БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

# СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 274 (19.650). • 1986 йил 4 декабрь, пайшанба • Баҳоси 3 тийин.

КПСС XXVII СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИ-ХАЁТГА!

## ҲАР БИР ОИЛАГА — АЛОҲИДА КВАРТИРА

**Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети программавий вазифа—ҳар бир оилани алоҳида квартира билан таъминлаш вазифасини илдам ҳал этиш юзасидан Горький автомобиль заводи ибратига эргашган В. И. Ленин номли Ўзбекистон металлургия заводи, КПСС XXV съезди номли Наманган машинасозлик заводи, КПСС XXV съезди номли Самарқанд химия заводи, Урганч ёғ-мой комбинати коллективларининг ташаббусини маъқуллади.**

### *Партия даъватига жавобан*

**В. И. ЛЕНИН НОМЛИ ЎЗБЕКИСТОН МЕТАЛЛУРГИЯ ЗАВОДИ КОЛЛЕКТИВИНИНГ СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРИ**

В. И. Ленин номли Ўзбекистон металлургия заводи коллективи КПСС XXVII съезди қарорларини бажара бориб, партиямизнинг совет кишиларининг уй-жой шароитларини яхшилаш йўлларини қидириб топиш тўғрисидаги даъватига жавобан, барча маблағлар ва имкониятлардан фойдаланиб, кооператив ва якка тартибда уй-жой қуришни ривожлантириб, 1996 йилга қадар заводнинг уй-жойга муҳтож оилаларини уй билан таъминлаш мажбуриятини олди.

Бу вазифани бажариш учун қуйидагиларни амалга ошириш назарда тутилмоқда:

1996 йилгача 27,2 минг квадрат метр уй-жойни фойдаланишга топшириш таъминланади. Бунга заводнинг ўз кучлари — хўжалик усули билан қурилишни кескин даражада ошириш эвазига эришилади. Ремонт-қурилиш цехининг базасини кенгайтириш мўлжалланмоқда.

12,8 минг квадрат метр уй-жойни фойдаланишга топширишни мўлжаллаётган ёшларнинг уй-жой кооперативини тузиш назарда тутилмоқда.

Қурилиш ташкилотлари билан тўғридан-тўғри шартномалар тузиш ҳисобига 20 минг квадрат метр уй-жойни фойдаланишга топширишга қарор қилинди.

Қурилишда шериклик йўли билан иштирок этиш мақсадида СССР Қора металлургия министрлигининг маблағларини шаҳар ижроия комитетига ўтказиб, завод меҳнаткашлари учун 104 минг квадрат метр уй-жой олиш мўлжалланмоқда.

Корхона коллективи Волжск автомобиль заводининг қурилиш объектларига меҳнаткашларни кенг кўламда жалб этиш тўғрисидаги ташаббусини қўллаб-қувватлади.

Қўшимча тарзда шахсий уй-жойлар ва кооператив квартиралар қуриш ҳам мўлжалланмоқда, бу тадбир 300 оиланинг эҳтиёжини қондириш имкониятини беради.

**Мажбуриятлар завод коллективининг умумий йиғилишида қабул қилинган.**

### *Инсон омили активлашади*

**КПСС XXV СЪЕЗДИ НОМЛИ НАМАНГАН МАШИНАСОЗЛИК ЗАВОДИ КОЛЛЕКТИВИНИНГ СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРИ**

КПСС XXV съезди номли Наманган машинасозлик заводи коллективи 1986 йилнинг ўн ойи плани ва социалистик мажбуриятларини барча техника-иқтисодий кўрсаткичлар бўйича бажарди. Корхона меҳнаткашлари беш йилликнинг охиригача маҳсулот ишлаб чиқаришни қарийб икки баравар оширишга қарор қилдилар. Белгиланган марраларга эришишда инсон омилини активлаштириш муҳим дастур бўлади.

Завод ҳар йили ўз улушини қўшиш билан уй-жой қурилишида иштирок этади. Ўн биринчи беш йилликда юз нафардан кўпроқ оиланинг уй-жой шароитлари яхшиланди. 1986 йилнинг ўн ойи мобайнида завод ходимларининг 21 оиласига квартиралар ажратилди.

Горький автомобиль заводи коллективининг ибратига эргашган корхона коллективи ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, 1996 йилгача ҳар бир оилани шинам квартира билан таъминлаш мажбуриятини олади.

Бу проблемани ҳал этмоқ учун корхонани ривожлантириш фонди маблағлари ҳисобига шаҳар ижроия комитети орқали уй-жой қурилишига улуш қўшиш йўли билан 7,5 минг квадрат метр уй-жой қуриш мўлжалланмоқда. Коллективнинг ҳар бир аъзоси асосий ишидан бўш вақтларида Тольятти меҳнаткашларининг ташаббуси асосида уй-жой қурилишида 4 кун ишлаб беришга қарор қилди.

**Мажбуриятлар завод коллективининг умумий йиғилишида қабул қилинган.**

### *Ижобий ўзгаришларни мустаҳкамлаб*

**КПСС XXV СЪЕЗДИ НОМЛИ САМАРҚАНД ХИМИЯ ЗАВОДИ КОЛЛЕКТИВИНИНГ СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРИ**

КПСС XXVII съезди қарорларидан руҳланган КПСС XXV съезди номли Самарқанд химия заводининг меҳнаткашлари 1986 йилнинг ўн ойида муайян муваффақиятларга эришдилар. Шу давр мобайнида ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан минерал ўғитлар ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръатлари 147,9 процентни, меҳнат унумдорлигининг ўсиш суръатлари эса 147,5 процентни ташкил этди.

Коллектив учун уй-жой проблемасини ҳал этиш ишлаб чиқаришда эришилган ижобий ўзгаришларни мустаҳкамлашнинг муҳим омилидир.

Завод коллективи ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, 1986—1996 йилларда ҳар бир оилани алоҳида квартира билан таъминлашга қарор қилди, шу мақсадда 1986—1996 йилларда пудрат усули билан 87 минг квадрат метр уй-жой ва иккита болалар боғчаси қурилади. Асосий ишдан бўш вақтда бу объектлар қурилишида коллектив 4 кун ишлайди. Бундан ташқари янги квартирага кўчиб кирадиган ҳар бир киши ўз квартирасини пардозлашда шахсан иштирок этади.

Хўжалик юритишнинг янги шароитларида ишлаб топилган маблағлардан хўжалик ҳисоби билан 320 ўринли пионер лагери, саҳни 0,5 гектар бўлган теплица, 100 хўрандага мўлжалланган кафе-ошхона ва дам олиш зонаси қуришга қарор қилинди.

**Мажбуриятлар завод коллективининг умумий йиғилишида қабул қилинган.**

### *Резервларни ишга солиб*

**УРГАНЧ ЁҒ-МОЙ КОМБИНАТИ КОЛЛЕКТИВИНИНГ СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРИ**

КПСС XXVII съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XXI съезди қарорларини амалга ошираётган Урганч ёғ-мой комбинатининг маъмурияти, партия ташкилоти бюроси ва жамоат ташкилотлари 1986—1990 йилларда социал программани бажариш юзасидан амалий тадбирлар комплексини ишлаб чиқдилар ва рўёбга чиқармоқдалар.

Бу йил шаҳар ижроия комитети билан биргаликда ўз улушини қўшиш асосида 48 квартирали уй қурилди, хўжалик усули билан эса 280 ўринли болалар комбинати бунёд этилди. Асосий ишлаб чиқаришнинг бешта цехида ва ёрдамчи бўлинмаларда хўжалик усули билан душхоналар, кийиниш-ечиниш хоналари, дам олиш, гигиена ва овқатланиш хоналари қурилди. Соғлиқни сақлаш пункти ва ошхона кенгайтирилди. Комбинат коллективи ўз имкониятлари ва ички резервларни ҳисоблаб чиқиб, ўн иккинчи беш йилликда ҳар бир оилани алоҳида квартира билан таъминлашга қарор қилди. Улуш қўшиш асосида ўз маблағлари ҳисобидан 1986—1990 йилларда 8 минг квадрат метр уй-жой қуриш, Тольятти меҳнаткашлари ташаббуси асосида комбинат учун қурилаётган уй-жойларда асосий ишдан бўш вақтларда 4 кун ишлаб беришга қарор қилинди.

1986 йилда хўжалик усули билан ёпиқ спорт-соғломлаштириш комплекси ва саҳни 11 минг квадрат метр бўлган теплица қурилишини ниҳоясига етказиш мўлжалланмоқда.

**Мажбуриятлар комбинат коллективининг умумий йиғилишида қабул қилинган.**

## ЙИЛИМИЗНИ МУВАФФАҚИЯТЛИ ЯКУНЛАЙЛИК!



*Давлат қабулига ўтишга тайёрмисиз?*

### Ҳозирлик қизғин

Шу кунларда «Подъёмник» заводи цех ва участкаларида бўлган киши мастерлардан тортиб инженерларгача, бригада бошлиқларидан тортиб оддий ишчиларгача сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришга алоҳида эътибор беришаётганлигини сезиши мумкин. Ҳамманинг фикри-ёдида «ишқилиб давлат қабули хизматидагилар олдида уялиб қолмайлик» деган гап.

Корхонада кранларнинг йигирма хили ишлаб чиқарилади. Уларнинг сифати илгари ҳам ёмон эмасди. Буни ҳозирги пайтда завод ўз маҳсулотини чет элдаги ўн иккита давлатга экспорт қилишидан ҳам билса бўлади. Лекин мақсад ана шу ташқи савдони янада кенгайтириш. Бунинг учун эса корхона ўз маҳсулотини жаҳон стандартлари даражасида тайёрлаши лозим.

Завод январь ойидан давлат қабули системасига ўтади. Аммо бу муҳим ишга тайёргарлик ҳозирдаёқ якунловчи босқичга кирди. Давлат қабули хизмати ходимлари ҳар бир деталнн, ҳар бир дастгоҳнинг ишлаш жараёнини стандарт талабларига мувофиқ текшириб кўрмоқдалар. Бу ишга энг яхши мутахассислар жалб этилган. Давлат қабули хизматини кўп йиллар партия бюросига секретарлик қилган собиқ бош инженер Т. Холмуродов бошқармоқда. В. Герасименко ва В. Мутракшовлар ҳам бу хизматга ўтишдан олдин корхона фаолиятига муносиб ҳисса қўшишган. Шу туфайли ҳам улар корхона обрўси ва манфаати учун доимо жон куйдирадилар.

Суратда: (чапдан) давлат қабули хизматчиси В. Мутракшов, слесарь-йиғувчи Л. Сон, техника контроли бўлими назоратчи мастери С. Пономарев ва давлат қабули хизматчиси В. Герасименколар маҳсулот сифатини кўздан кечиришяпти.

В. МОЛГАЧЕВ фотоси.

## РСФСР Олий Советининг сессияси

РСФСР Олий Советининг сессияси Россия Федерациясининг 1987 йилги иқтисодий ва социал ривожлантириш Давлат планини ва республика бюджетини муҳокама қилмоқда. Сессия 2 декабрь куни Москвада, Катта Кремль саройида очилди.

Депутатлар М. С. Горбачев, Г. А. Алиев, В. И. Воротников, А. А. Громико, Л. Н. Зайков, Е. К. Лигачев, Н. И. Рижков, М. С. Соломенцев, Э. А. Шеварднадзе, П. Н. Демичев, В. И. Долгих, Б. Н. Ельцин, Н. В. Тализин, А. П. Бирюкова, А. Ф. Добринин, М. В. Зимянин, В. А. Медведев, В. П. Никонов, Г. П. Разумовский, А. Н. Яковлев, И. В. Капитонов ўртоқларни қарсаклар билан кутиб олдилар.

РСФСР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, республика Госплани раиси депутат Н. И. Масленников РСФСРнинг 1987 йилги иқтисодий ва социал ривожлантириш Давлат плани ва 1986 йил планининг бажарилиши тўғрисида доклад қилди.

Докладчи РСФСРнинг 1987 йилги иқтисодий ва социал ривожлантириш Давлат плани партия XXVII съезди, КПСС Марказий Комитетининг июнь (1986 йил) Пленуми қарорларига мувофиқ ўн иккинчи беш йиллик планининг шу йил учун топшириқлари, сайловчиларнинг депутатларга наказларини ҳисобга олиб ишлаб чиқилганлигини айтди.

Нотиқ миллий даромад ва саноат ишлаб чиқариши ҳажми 1986 йилда 4 процент кўпайганлиги ва уни 1987 йилда 4,3 процент ошириш планлаштирилаётганини айтди. Агросаноат комплексини ривожлантириш юзасидан мўлжалланаётган тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида қишлоқ хўжалигининг ялпи маҳсулоти ҳажми 1985 йилдагига нисбатан 8,2 процент, меҳнат унумдорлиги эса 10,8 процент ортади.

Социал тараққиёт ва халқ турмуши даражасини янада оширишнинг кенг программаси режаланган. Ишчи ва хизматчиларнинг ўртача ойлик иш ҳақи, колхозчиларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш ортади, истеъмолнинг ижтимоий фондларидан тўловлар ва имтиёзлар бериш кўпаяди. Келгуси йилда умумий саҳни 63 миллион квадрат метр бўлган уй-жойлар қуриш мўлжалланмоқда.

Сессия кўриб чиқмоғи учун тақдим этилган 1987 йилги республика Давлат бюджетининг лойиҳаси даромадлар ва харажатлар бўйича 107,8 миллиард сўм миқдорида 5,3 процент ўсиш билан белгиланди. РСФСР молия министри депутат А. А. Бобровников шуни маълум қилди. У РСФСРнинг 1987 йилги Давлат бюджети ва республика бюджетининг 1985 йилдаги ижроси тўғрисида доклад қилди.

Шундан кейин депутатлар докладни муҳокама қилишга киришдилар. 3 декабрь куни сессия ўз ишини давом эттирди.

* * *

Россия Федерациясининг меҳнат коллективлари Улуғ Октябрнинг 70 йиллигини муносиб кутиб олиш учун барча ишларни қиладилар. Республика давлат ҳокимиятининг олий органи депутатлари РСФСР Олий Совети сессияси минбаридан туриб, ана шулар ҳақида гапирдилар. Сессия Москвада, Катта Кремль саройида икки кун иш олиб борди. 3 декабрь куни бўлган мажлисда республиканинг 1987 йилги иқтисодий ва социал тараққиёт плани ва бюджетининг бундан бир кун илгари бошланган муҳокамаси ниҳоясига етди.

Депутатлар Г. А. Алиев, В. И. Воротников, А. А. Громико, Л. Н. Зайков, Е. К. Лигачев, Н. И. Рижков, Э. А. Шеварднадзе, П. Н. Демичев, В. И. Долгих, Б. Н. Ельцин, Н. В. Тализин, А. П. Бирюкова, А. Ф. Добринин, М. В. Зимянин, В. П. Никонов, И. В. Капитонов ўртоқларни қарсаклар билан кутиб олдилар.

Сессияда сўзга чиққан нотиқлар план ва бюджетни тасдиқлашни таклиф этиб, хўжалик юритишнинг янги шарт-шароитларига йўналтирилганлик план ва бюджетнинг ўзига хос хислати эканлигини таъкидладилар. Депутатлар социал тараққиёт, халқ фаровонлигини ошириш масалаларини батафсил таҳлил этдилар.

РСФСР Олий Совети Соғлиқни сақлаш, социал таъминот ва спорт доимий комиссияси иши ҳақидаги ахборотни тинглаб, бу масала юзасидан қарор қабул қилди. РСФСР Олий Совети Президиумининг фармонларини тасдиқлаш тўғрисида қонун ва қарор ҳам қабул қилинди.

РСФСР Олий Советининг ўн биринчи чақириқ тўртинчи сессияси ўз ишини якунлади.

(ТАСС).

## ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ТЎРТИНЧИ СЕССИЯСИНИНГ ОЧИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Ўн биринчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг тўртинчи сессияси 5 декабрь куни эрталаб соат 10 да Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг мажлислар залида очилади.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутатлари 4 декабрь куни соат 10 дан 19 гача Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг биносида, 5 декабрь куни эса эрталаб соат 8 дан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг мажлислар залида рўйхатга олинадилар.

## ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ОҚСОҚОЛЛАР КЕНГАШИНИНГ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Оқсоқоллар кенгашининг мажлиси 5 декабрь куни эрталаб соат 9 да Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг мажлислар залида бўлади.

## САНЪАТДА ВА ҲАЁТДА ҲАМ ЖАНГЧИ БЎЛАЙЛИК

Ҳаётнинг ўзи тасвирий санъат усталари олдига замонни ҳис эта билиш, ундаги жамики мураккаб муаммоларни жўшқин курашлар билан ҳаққоний кўрсатиш талабларини қўймоқда. Ўзбекистон Рассомлар союзи правлениесининг 3 декабрь куни Тошкентда бўлиб ўтган пленумида шулар ҳақида гапирилди. Пленумда ижодий союзнинг Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети III пленуми қарорларидан келиб чиқадиган вазифалари муҳокама қилинди. Союз правлениесининг раиси Ж. Ю. Умарбеков доклад қилди.

Докладда ва нутқларда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети пленумининг республикада идеология иши самарадорлигини ошириш йўлларини белгилаб берган қарорлари рассомларнинг фаолиятига ҳам бевосита тааллуқли эканлиги таъкидланди. Бу қарорларда ижодий куч-ғайратларни татбиқ этиш кенгайтирилган программаси берилган, ҳаётимизни, ҳозирги замоннинг муҳим масалаларини социалистик реализм позицияларида туриб янада чуқурроқ кўрсатиш, пропаганда таъсирчанлигини ошириш, одамларни коммунистик руҳда тарбиялаш манфаатлари йўлида бадиий англашни, тасвирий ечимни талаб қилувчи энг актуал мавзулар аниқ белгилаб берилган.

Бутун мамлакатда бўлгани сингари республикамизда ҳам қайта қуриш ижтимоий тараққиётимизнинг ҳамма соҳаларини ўз ичига олиб, шитоб билан бормоқда. Совет халқи партия қўйган ва кўлами ҳамда янгилиги жиҳатидан мисли кўрилмаган вазифаларни сабот билан ҳал этмоқда. Бутун жамият ҳаракатга келди, экономикада, социал муносабатларда, маънавий ҳаётда ижобий ўзгаришлар рўй бермоқда. Бу жараён оғриқсиз, силлиқ ўтолмайди — у ижобий ўзгаришларни мустаҳкамлаш борасида қатъий, ғайратли ҳаракатлар қилинишини тақозо этувчи курашдир. Ижодлари оммага ғоявий таъсир этувчи реал куч бўлган рассомлар, дейилди пленумда, бу курашдан четда қолишга, совуқ, сўниқ қалб билан шунчаки ишлашга ҳақли эмаслар. КПСС XXVII съезди ижтимоий онгни кўтарган баландликдан туриб тасвирий санъат аҳволи ва унинг ривожланиш проблемаларига назар ташлаш бугунги кундаги асосий вазифадир. Ўзгаришлар давримизнинг янги-янги ёндашувларни излаш, олға қараш, мумкин қадар кўп куч-ғайрат сарфлаб ишлашдан иборат шиори ҳар бир рассом учун, республика ижодий союзининг барча аъзолари учун муҳаққақ қонун бўлиб қолмоғи керак.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Тасвирий санъатни янада ривожлантириш ва меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашда унинг ролини ошириш чоралари тўғрисида» яқинда қабул қилган қарори республикадаги мўйқалам соҳиблари ва нақш усталари учун жанговар иш программаси бўлиб қолди. Республика ижодий союзининг бутун фаолияти ҳозир айни шу фундаментал негизда қайта қурилмоқда. Бу ерда гап, аввало, тасвирий санъатнинг коммунистик бунёдкорлик практикаси билан, Ўзбекистон коммунистлари, барча меҳнаткашлари ҳал этаётган вазифалар билан алоқаларини мустаҳкамлаш тўғрисида бораётир.

Республикада рўй берган салбий тенденциялар Ўзбекистон Рассомлар союзининг фаолиятида ҳам сезиларли из қолдирди. Дабдабабозлик, кўз-кўз қилиш ва хотиржамлик вазияти тасвирий санъатда ҳам сийқа, ғоявий ва бадиий жиҳатдан баркамол бўлмаган бир қанча асарларни вужудга келтирди. Пленум қатнашчилари ижодий союзда йиғилиб қолган турғунлик ҳоллари тўғрисида ошкора гапирдилар. Сўнгги вақтлардаги кўргазмалар, вернисажларда одамлар, айниқса ёшларнинг қалбида ҳамда руҳида бизнинг юксак социал ва маънавий идеалларимизга интилиш уйғотишга қодир ҳақиқий ёрқин асарлар унча кўп бўлмаётир. Бадиий ижодга талаб жуда пасайиб кетган, мавзулар майдалашиб, дунёқарашда мужмаллик, мешчанларча маҳдудлик ҳоллари кўринмоқда.

Бадиий ижоднинг асосий мавзуи — меҳнат, унинг маънавий муаззамлиги, марказий проблема эса — замондошимиз образини яратишдир, деб таъкидлашди нотиқлар. Шунга қарамай, республиканинг тасвирий санъатида ўз меҳнати билан жамиятимиз бойлигини яратувчи меҳнаткаш ишчининг, ишлаб чиқариш новаторининг образи ҳали муносиб акс эттирилган эмас. Рассомлар ишлаб чиқариш мавзуига қўл урганларида ҳам кўпинча уни ҳақиқий ижодий қизиқиш бўлмагани ҳолда конструкциялар ва шаклларни қалаштириб ҳал этадиларки, уларнинг орасида одам йўқолиб кетади. Тасвирий санъат усталари пахтакорлардан ҳам катта қарздордирлар. Ҳолбуки, ҳар йили Ўзбекистоннинг «оқ олтин»и нақадар қимматга тушаётганлиги республикада яшаётган ва ишлаётганларнинг ҳаммасига яхши маълум.

Жамиятимизнинг революцион, жанговар ва меҳнат анъаналари қандай ривожланаётганлигини кўрсатиш ижодий илҳом, бадиий кашфиётларнинг ҳақиқатан битмас-туганмас манбаидир, дейилди пленумда. Келаси йили халқимиз, барча тараққийпарвар инсоният нишонлашга тайёргарлик кўраётган Улуғ Октябрнинг 70 йиллиги рассомлар олдида ана шу жиҳатдан, совет ватанпарварлиги ва социалистик интернационализм мавзуларини ишлаб чиқишда айниқса кенг имкониятлар очиб беради. Ёрқин тақдирлар, ўтмиш ва ҳозирги замоннинг қаҳрамонликлари рассомлар ўз истеъдодларини, бутун ижодий маҳорат, саховатларини тўла-тўкис очишларига имкон берувчи бадастир материаллар эмасми?

Лекин рассом, деб таъкидлашди нотиқлар, ҳозирги кунларимизнинг қаҳрамонликларини, эришилган зафарлар улуғворлигини акс эттирар экан, ҳамиша ҳақиқий санъат моҳияти бўлган ҳаёт ҳақиқатига содиқ бўлиб қолиши керак. Рассом бизнинг планларимизни амалга оширишга ҳалақит берувчи, бунёдкорлик йўлида олға боришимизга тўсқинлик қилувчи салбий ҳодисалар ёнидан ўтиб кетишга ҳақли эмас. Сатира ва атеистик плакат кўргазмалари ижодий союз республика партия ташкилотининг идеология ишида актив қатнашаётганлигига мисол қилиб келтирилди. Бу кўргазмаларга қўйилган энг яхши ишлар ҳозир кўпайтирилиб, атеистик пропаганда ва бошқа хил пропаганда ишларида жуда қўл келмоқда. Айни маҳалда пленумда тасвирий санъат бошқа жанрларининг усталари шаънига жиддий эътирозлар айтилди. Уларнинг пассив позицияси замон руҳига сира мувофиқ келмайди. Ижодий союзнинг партиявий принципиаллликка, ўзаро юксак талабчанликка асосланган ҳаёти ва фаолиятининг бутун руҳи мана шу позицияларни кучайтирмоғи, барча рассомларни толмас ва собитқадам изланишларга қўзғатмоғи керак, дейишди пленум қатнашчилари. Союз ўзининг сайланган органлари ишини қайта қуришни жадаллаштириши, ошкоравийликни ривожлантириши, соғлом ва амалий танқид ҳамда ўз-ўзини танқидни қарор топтириши лозим. Ёш ижодкор кадрларни тарбиялаш тўғрисида Рассомлар союзи алоҳида ғамхўрлик қилиши керак.

Қайта қуриш масаласи бугунги кунда мамлакатнинг ҳамма ерида бўлгани сингари Ўзбекистон Рассомлар союзи бутун ишининг ҳам асосий масаласидир, деб таъкидлашди якдиллик билан пленум қатнашчилари. Қайта қуришни ҳар ким ўзидан, ўзининг гражданлик ва ижодий позициясини аниқлаб олишдан бошлаши лозим. Тасвирий санъатнинг ҳар бир вакили республикада ва мамлакатда ўтказилаётган катта ишларда, ижтимоий онгни ўзгартириш, меҳнаткашларда коммунистик эътиқодни шакллантиришда ўз ўрнини эгаллаши даркор.

Пленумда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети биринчи секретари И. Б. Усмонхўжаев нутқ сўзлади.

Пленум ишида Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Б. Ф. Сатин қатнашди.

(ЎзТАГ).

